

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси (бундан буён матнда Бошқарма деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бошқарма ўзининг фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низом, Вазирлик Ҳайъатининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг (бундан буён матнда вазир деб юритилади) буйруқлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

II. Бошқарманинг вазифалари ва функциялари

3. Қуйидагилар Бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштиришни амалга ошириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни барча давлат органлари ва ташкилотларига ўз вақтида етказиш, уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш бўйича фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, услубий раҳбарлик ва назорат қилиш;

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб қилган ҳолда жамиятда ҳуқуқий тарғиботни ташкил этиш.

4. Бошқарма ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ҳуқуқий тарғибот аҳволини таҳлил қилади, уни такомиллаштириш

бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни оширишга, қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий билимларни аҳоли ўртасида тарғиб қилинишини ташкил этади;

жамиятни ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича дастурлар ва тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

адлия органлари ва муассасаларининг қонун ҳужжатларини туркумлаш, ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги ишларини мувофиқлаштиради ва уларга услубий раҳбарликни амалга оширади;

қонун ҳужжатларини тарқатиш ва ҳуқуқий тарғибот аҳволини таҳлил қилади, уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида ҳар йили тегишлича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг аҳволи тўғрисидаги ахборотининг тайёрланишини ташкил этади;

вазирлик тизимига кирувчи ҳамда бошқа идоралар билан ўзаро ҳамкорликда илмий-амалий конференциялар, ўқув машғулотлари, давра суҳбатлари, семинарлар ва учрашувларни ҳамда очик мулоқотларни ўтказишни ташкил этади;

Вазирликка келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва тегишли ахборот-таҳлилий материалларни электрон шаклда Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб бериладиган рўйхат бўйича барча давлат органлари ва ташкилотларига етказиб беради;

давлат органлари ва ташкилотларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш бўйича фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, услубий раҳбарлик қилиш ва назоратни амалга ошириш мақсадида ўрганишлар ўтказилади;

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат ҳисобига олади ва қонун ҳужжатларини туркумлаштириш ишларини олиб боради;

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг назорат нусхаларини юритади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг назорат нусхалари юритилишини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари банкини (фондини) шакллантиради ва Вазирлик кутубхонаси фаолиятини юритади;

Қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификаторини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун киритади, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга классификатор асосида кодлар беради;

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун киритади, шунингдек ушбу қоидаларга риоя қилиш устидан назоратни амалга оширади ва тегишли тақдимномалар киритади;

адлия органлари ва муассасаларини зарур қонунчилик материаллари билан таъминлаш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини яратиш ва сақлашни ташкил қилади;

давлатлараро ҳуқуқий ахборотлар алмашинувини амалга оширади;

кодекслар ва қонун ҳужжатлари тўпламларининг, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаи ҳисобланган “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами – Собрание законодательства Республики Узбекистан”, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда “Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами – Сборник международных договоров Республики Узбекистан”нинг расмий нашр этилишини ташкил этади;

тегишли давлат бошқаруви органлари билан биргаликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотларининг электрон базасини яратиш қоидаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун киритади, уларнинг ижро этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўради;

адлия органлари ва муассасалари учун ҳуқуқий ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг дастурий-техник воситалари ва технологиялари жорий этилишини ташкил этиш юзасидан таклиф киритади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари бўйича ва ўз ташаббусига кўра қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

Вазирлик ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази, ихтисослаштирилган “Адолат” нашриёти давлат корхонаси, “Инсон ва

қонун” ҳуқуқий газетаси ҳамда “Нуқуқ ва бурҳ” ижтимоий-ҳуқуқий журнали таҳририятлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бўлимлари фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ҳамда уларни ишларини ўрганadi ва фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиб, вазирга киритади;

Бошқарма фаолиятига оид масалалар бўйича фуқаролар ва ташкилотлардан келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқади;

Бошқарма фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича хулосалар тайёрлайди;

Бошқарма ўз ваколатлари доирасида бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

5. Бошқарма Давлат органларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади.

III. Бошқарманинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

6. Бошқарма ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари, бошқа ташкилотлардан, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларидан уларнинг ваколатига кирувчи масалалалар юзасидан ҳужжатларни, статистика ва бошқа маълумотларни, таҳлилий материалларни, хулосалар ва бошқа ахборотларни сўраш, талаб қилиш ва олиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа давлат органлари кўриб чиқиши учун қонунчиликни такомиллаштириш масалалари бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, таълим, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотлардан қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича хулосалар олиш ҳамда кўрсатиб ўтилган органлар ва ташкилотлар раҳбарлари билан келишган ҳолда ушбу лойиҳаларни тайёрлаш бўйича комиссиялар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан ҳуқуқий статистикани ташкил этиш ва юритиш учун зарур бўлган маълумотларни олиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш бўйича фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, услубий раҳбарлик ва назорат қилиш мақсадида ўрганишлар ўтказиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни

тарқатиш фаолияти юзасидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида тақдимномалар киритиш;

адлия органлари ва муассасалари фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган тегишли бўлинмалар ташкил этиш, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг уставлари (низомлари)ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда қатнашиш.

Бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Бошқарма ўзига юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавобгардир.

IV. Бошқарма фаолиятини ташкил қилиш

8. Бошқарма раҳбарлигини вазир томонидан тайинладиган ва озод қилинадиган Бошқарма бошлиғи амалга оширади. Бошқарма бошлиғи ўринбосарга эга. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари ва Бошқарманинг бошқа ходимлари вазир томонидан лавозимга тайинланади.

9. Бошқарма бошлиғи:

Бошқарма фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Бошқарма ишларини ташкиллаштиради, йўналтиради ва назорат қилади;

Бошқармага юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

бўлимларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради, Бошқарма ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва функционал вазифалар, аниқ топшириқларнинг бажарилиши учун ҳар бир ходимнинг жавобгарлик доирасини белгилайди;

Вазирлик раҳбарияти топшириқлари, фармойишлари, буйруқлари ва кўрсатмаларининг ходимлар томонидан бажарилишини текширади, ҳужжатларнинг ўз вақтида ижро этилишини назорат қилади;

Вазирлик раҳбариятига ходимларни рағбатлантириш, интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритади;

Бошқарма таркибини ҳамда фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди, Бошқарма фаолиятига оид муҳим масалалар ҳақида вазир ва унинг ўринбосарларига мунтазам равишда ахборот беради;

Бошқарма фаолиятига дахлдор масалаларни муҳокама қилиш, тегишли дастурлар, режалар ва бошқа топшириқларнинг бажарилишини назорат қилиш учун Бошқарманинг барча ходимлари иштирокида тезкор йиғилишлар ўтказади;

мавжуд штат жадвали асосида лавозимга тайинлаш учун тегишли тартибда вазирга номзодларни тақдим қилади;

Бошқарма ходимларидан меҳнат интизомини бузганлик, юклатилган вазифаларни ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаганлик ҳолатлари

юзасидан тушунтиришлар олади;

ўз ваколати доирасида тегишли ҳужжатларни имзолайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

10. Бошқарма қуйидаги 2 та бўлимдан иборат:


1) Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш бўлими;

2) Қонун ҳужжатларини туркумлаш, ҳисобга олиш ва ҳуқуқий ахборотни тарқатиш бўлими.

11. Бошқарма ходимлари ўз фаолиятини Вазирлик раҳбарияти билан келишилган ва тасдиқланган мансаб йўриқномаларига мувофиқ амалга оширадилар.

12. Ўзларининг хизмат вазифаларини бажариш вақтида юклатилган ваколатлар доирасидан четга чиққанликлари, шунингдек қонунга хилоф ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлиги, хизмат вазифаларини бажармаганликлари ёхуд лозим даражада бажармаганликлари ва хизмат этикаси қоидаларини бузганликлари учун бошқарма ходимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда интизомий ёки бошқа турдаги жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Хуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси
ТУЗИЛМАСИ



Ходимларнинг умумий чекланган сони – 11 киши, улардан 10 нафари бошқарув ходимлари.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
Юридик таълим ва суд-экспертиза фаолиятини мувофиқлаштириш
бошқармаси тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Юридик таълим ва суд-экспертиза фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (бундан буён матнда Бошқарма деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бошқарма ўзининг фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низом, Вазирлик Ҳайъатининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг (бундан буён матнда вазир деб юритилади) буйруқлари ва фармойишлари, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

II. Бошқарманинг вазифалари ва функциялари

3. Бошқарманинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

давлат ва жамият қурилиши соҳасини демократлаштиришнинг замонавий талаблари ва стандартларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш бўйича фаолиятни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш.

давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш ва такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, шунингдек мамлакатда қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида

фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

суд экспертизаси фаолиятини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, суд экспертларини тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

суд экспертизаси соҳасидаги тизимли муаммоларни комплекс ўрганиш ва уларни ҳал этишга доир илмий асосланган таклифлар ва таъсирчан механизмларни ишлаб чиқиш.

4. Бошқарма ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ҳуқуқий таълим аҳволини таҳлил қилади, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ҳуқуқ соҳасида таълим ишлари услубий жиҳатдан таъминланишини ташкил этади, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий шаклларини жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

ҳуқуқий фанларни ривожлантириш чораларини кўради;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳамда умумтаълим муассасаларининг талабалари ва ўқувчилари учун юридик дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр этилишини ташкил этади;

давлат органларининг юридик кадрларини Тошкент давлат юридик университетида, Тошкент юридик коллежида, Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги академик лицейда ва Вазирлик тизимининг бошқа таълим муассасаларида тайёрлаш ишларини ташкил этади ва раҳбарлик қилади;

ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширувчи таълим муассасаларини аккредитация қилишда, уларнинг педагог ва илмий кадрларини аттестациядан ўтказишда иштирок этади;

замонавий талаблар ҳамда давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги демократлаштириш жараёнларини, стандартларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этади;

ҳуқуқшунослар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

давлат органлари ва бошқа органлардан олинган ҳуқуқий таълимга оид статистика маълумотларини умумлаштиради ва таҳлил қилади;

олий ва ўрта махсус ҳамда касб-ҳунар ўқув юртларининг талабалари ва ўқувчиларининг Вазирликда амалиёт ўташларини ташкиллаштиради ва назорат қилади;

вазирлик тизимидаги таълим муассасаларининг ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

суд экспертизаси соҳасида илмий-тадқиқот, экспертлик ишларини ташкил этишда назоратни амалга оширади;

суд экспертизаси фаолиятини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

давлат суд экспертизаси муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиради ва унга илмий-услубий раҳбарликни амалга оширади, шунингдек Суд экспертизаси муаммолари бўйича кенгашни бошқаради;

фуқаролар ва ташкилотларнинг соҳага оид мурожаатларини кўриб чиқади, ушбу масалалар бўйича шикоят ва аризалар ҳар томонлама ҳолисона кўриб чиқилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Вазирлик раҳбариятининг топшириқлари бўйича ва ўз ташаббусига кўра соҳага оид қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда киритади;

Вазирлик раҳбариятининг топшириғига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида ва бошқа давлат органларида ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан Вазирликнинг вакили сифатида қатнашади;

Бошқарма фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича хулосалар тайёрлаб, Вазирлик раҳбариятига киритади;

Тошкент давлат юридик университети, Тошкент юридик коллежи, Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги академик лицей, Юристар малакасини ошириш маркази, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази фаолиятига раҳбарликни амалга оширади ҳамда уларни ишларини ўрганади ва фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиб вазирга киритади;

Бошқарма ўз ваколатлари доирасида бошқа вазифа ва функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

5. Бошқарма ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни бевосита, шунингдек адлия органлари ва муассасалари орқали амалга оширади.

III. Бошқарманинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

6. Бошқарма ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмалари, бошқа ташкилотлардан, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларидан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан ҳужжатларни, статистика ва бошқа маълумотларни, таҳлилий материалларни, хулосалар ва бошқа ахборотларни сўраш, беришни талаб қилиш ва олиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа давлат органлари кўриб чиқиши учун қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, таълим, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотлардан қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича хулосалар олиш ҳамда кўрсатиб ўтилган органлар ва ташкилотлар раҳбарлари билан келишган ҳолда ушбу лойиҳаларни тайёрлаш бўйича комиссиялар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан ҳуқуқий статистикани ташкил этиш ва юритиш учун зарур бўлган маълумотларни олиш;

адлия органлари ва муассасалари фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган тегишли бўлинмалар ташкил этиш, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг уставлари (низомлари)ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда қатнашиш.

Бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Бошқарма ўзига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун жавобгардир.

IV. Бошқарма фаолиятини ташкил этиш

8. Бошқарманинг раҳбарлигини вазир томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод қилинадиган Бошқарма бошлиғи амалга оширади. Бошқарма бошлиғи ўринбосарга эга. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари ва Бошқарманинг бошқа ходимлари вазир томонидан лавозимларига тайинладилар ва лавозимидан озод қилинадилар.

9. Бошқарма бошлиғи:

Бошқарма фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Бошқарма ишларини ташкиллаштиради, йўналтиради ва назорат қилади;

Бошқармага юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Бўлимларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради, Бошқарма ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва функционал вазифалар, аниқ топшириқларнинг бажарилиши учун ҳар бир ходимнинг жавобгарлик доирасини белгилайди;

Вазирлик раҳбарияти топшириқлари, фармойишлари, буйруқлари ва кўрсатмаларининг ходимлар томонидан бажарилишини текширади, ҳужжатларнинг ўз вақтида ижро этилишини назорат қилади;

Вазирлик раҳбариятига ходимларни рағбатлантириш, интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритади;

Бошқарма таркибини ҳамда фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди, Бошқарма фаолиятига оид муҳим масалалар ҳақида вазир ва унинг ўринбосарларига мунтазам равишда ахборот беради;

Бошқарма фаолиятига дахлдор масалаларни муҳокама қилиш, тегишли дастурлар, режалар ва бошқа топшириқларнинг бажарилишини назорат қилиш учун Бошқарманинг барча ходимлари иштирокида тезкор йиғилишлар ўтказади;

мавжуд штат жадвали асосида лавозимга тайинлаш учун тегишли тартибда вазирга номзодларни тақдим қилади;

Бошқарма ходимларидан меҳнат интизомини бузганлик, юклатилган вазифаларни ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаганлик ҳолатлари юзасидан тушунтиришлар олади;

ўз ваколати доирасида тегишли ҳужжатларни имзолайди;

10. Бошқарма қуйидаги 2 та бўлимдан иборат:

1) Юридик таълим фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўлими;


2) Суд-экспертиза фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими.

Раҳбарият ва бошқарма бошлиғи топшириғига мувофиқ бўлимларга бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

11. Бошқарма ходимлари ўз фаолиятини Вазирлик раҳбарияти билан келишилган ва тасдиқланган мансаб йўриқномаларига мувофиқ амалга оширадилар.

12. Ўзларининг хизмат вазифаларини бажариш вақтида юклатилган ваколатлар доирасидан четга чиққанликлари, шунингдек қонунга хилоф ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлиги, хизмат вазифаларини бажармаганликлари ёхуд лозим даражада бажармаганликлари ва хизмат этикаси қоидаларини бузганликлари учун бошқарма ходимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда интизомий ёки бошқа турдаги жавобгарликка тортиладилар.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Юридик таълим ва суд-экспертиза фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг умумий чекланган сони – 8 киши, улардан 7 нафари бошқарув ходимлари.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги ПҚ–2761-сон “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифа ва тадбирларни амалга ошириш бўйича
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

т/р.	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар
I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ тадбирлар				
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги ПҚ–2761-сон “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан келиб чиқиб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш ва уларни ушбу қарорга мувофиқлаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	15 кунлик муддатда	А.Очилов, Д.Каландаров
2.	“Ҳуқуқий ахборотларни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	қонун лойиҳаси	15 кунлик муддатда	А.Очилов, Д.Каландаров, Ш.Яминов,
3.	“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунга қарор билан қонун лойиҳаларига киритилган талабдан келиб чиққан ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳасини тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	қонун лойиҳаси	1 ойлик муддатда	Д.Каландаров, И.Халпаев
4.	“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини тайёрлаш ва киритиш, шу жумладан ушбу қарорга мувофиқ адлия органларининг ташкилий тузилмаларини янги таҳрирда тасдиқланишини назарда тутиш.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси	15 кунлик муддатда	Д.Каландаров, И.Халпаев, Ш.Рабиёв, Ш.Саидов, А.Очилов, М.Маҳмудов, марказий аппарат таркибий бўлинмалари раҳбарлари
5.	“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажбурий равишда тарқатиладиган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар рўйхати тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	15 кунлик муддатда	А.Очилов, Д.Каландаров
6.	Янгиланган “Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисидаги низом” лойиҳасини тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	15 кунлик муддатда	А.Очилов, Д.Каландаров

7.	<p>“Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 ноябрдаги “�збекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 321-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг лойиҳасини тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	15 кунлик муддатда	А.Очилов
8.	<p>Куйидаги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш: Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 12 декабрдаги 264-мх “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотлари электрон базалари яратиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 2290, 2011 йил 12 декабрь); Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 14 февралдаги 39-мх-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 2326, 2012 йил 14 февраль); Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 9 апрелдаги 83-мх-сон “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 2352, 2012 йил 9 апрель); Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги 53-мх-сон “Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль).</p>	Адлия вазирининг буйруғи	1 ойлик муддатда	<p>Д.Ибрагимова</p> <p>Д.Ибрагимова</p> <p>Д.Каландаров</p> <p>Б.Болиев</p>
II. Ташкилий ва техник чора-тадбирлар				
9.	<p>Оммавий ахборот воситаларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамиятини етказиш бўйича ролини янада кучайтиришни, қонун ҳужжатларига мустақил экспертлар, мутахассислар ва аҳолининг фикри ва муносабатини акс эттирувчи таҳлилий ток-шоулар, мунозаралар, баҳслар ва қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини кенг муҳокама қилишнинг бошқа замонавий шакллари жорий қилишни назарда тутувчи Комплекс дастурни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш</p>	комплекс дастур	2017 йил 1 март	<p>А.Очилов</p> <p>А.Акобиров</p>

10.	Хукукий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгашнинг ташкилий йиғилишини ўтказиш.	ташкилий-чора тадбирлар	бир ҳафталик муддатда	А.Очилов
11.	Хукукий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгашнинг 2017 йилга мўлжалланган иш режасини шакллантириш.	иш режа лойиҳаси	бир ҳафталик муддатда	А.Очилов
12.	Хукукий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгашнинг ҳудудий комиссияларини ишини самарали ташкил қилиш ва уларнинг фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш.	ташкилий-чора тадбирлар	бир ҳафталик муддатда	А.Очилов, ҳудудий адлия органлари раҳбарлари
13.	Ҳудудий адлия органларининг Хукукий тарғибот ва ахборот бўлимларининг низомларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Адлия вазирининг буйруғи	2017 йил февраль	А.Очилов, ҳудудий адлия органлари раҳбарлари
14.	Хукукий тарғибот ва ахборот бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий адлия органларидаги тегишли бўлимлари, шунингдек, Юридик таълим ва суд-экспертиза фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ходимларининг вазифалар тақсмоти ва лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиш.	вазифалар тақсмоти, лавозим йўриқномалари	2017 йил февраль	А.Очилов, С.Саидходжаев, ҳудудий адлия органлари раҳбарлари
15.	Хукукий тарғибот ва ахборот, Юридик таълим ва суд-экспертиза фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бошқармалари тегишли ҳужжатлар йиғмажилдлари ва материалларини ўзаро топшириш ва қабул қилиш ишларини амалга ошириш.	далолатномалар	2017 йил февраль	А.Очилов, Ш.Саидов, С.Саидходжаев
16.	Адлия органлари ва муассасаларининг ички ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги ПҚ–2761-сон “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқлиги бўйича хатловдан ўтказиш.	адлия органлари ва муассасалари раҳбарларининг буйруқлари	2017 йил февраль	Ш.Рабиев, А.Очилов, С.Саидходжаев, Т.Очилов, Адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари
17.	Статистик ҳисобот шаклларини қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.	Адлия вазирининг буйруғи	2017 йил февраль	Ш.Рабиев, А.Очилов, С.Саидходжаев
18.	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида қонун ҳужжатларини тезкор тарқатиш мақсадида химояланган алоқа каналлари (VPN) орқали идоралараро электрон ҳамкорликни ташкил этиш.	ташкилий-чора тадбирлар	2017 йил 15 март	А.Очилов, Ш.Яминов
19.	Қонун ҳужжатлари миллий базаси доирасида энг кўп талаб қилинадиган норматив-ҳукукий ҳужжатлар матнларининг инглиз тилидаги маълумотлар	таклиф киритиш	2017 йил 1 апрель	Ж.Нуритдинов Ш.Яминов

	банкини яратиш. Миллий базани такомиллаштириш ва Марказнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича ишларни молиялаштириш учун белгиланган тартибда техник кўмакни (грантни) жалб қилиш масаласида таклиф киритиш			
20.	Вазирлик моддий-техник базасини хатловдан ўтказиш натижасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш ва ҳуқуқий тарғибот тизимини такомиллаштириш мақсадида адлия органлари ва Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш марказининг моддий-техника базасини ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ускуна, компьютер ва сервер техникаси, техник воситалар, дастурий маҳсулотлар ва бошқа моддий-техника ресурслари рўйхатини шакллантириш.	Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши лойиҳаси	2017 йил 10 апрель	З.Туляганов А.Очилов Ш.Яминов адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари
21.	Қабул қилинган қонун ҳужжатларини ҳамда уларнинг ахборот-таҳлилий материалларини рўйхат бўйича давлат органлари ва ташкилотларига юбориш ҳамда уларни шунингдек суд қарорлари, халқаро шартномалар ва бошқа ҳужжатларни Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига жойлаштирилиб борилишини таъминлаш.	ташкيلي чора-тадбирлар	доимий	А.Очилов, Ш.Яминов
22.	Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига расман эълон қилиш учун тақдим қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар унификациясини назарда тутувчи техник йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	техник йўриқнома	2017 йил 15 март	Ш.Яминов
23.	Ҳуқуқий таълим, фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш учун услубий тавсиялар ишлаб чиқиш	услубий тавсия	1 ойлик муддатда	А.Очилов
III. Ҳуқуқий тарғибот тадбирлари				
24.	Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ҳамда юридик хизмат ходимлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги ПҚ–2761-сон “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг мазмун-моҳиятини, шунингдек ушбу қарорда белгиланган вазифа ва тадбирларни амалга оширилишини ташкил қилиш бўйича улар иштирокида конференция ҳамда семинарлар ўтказиш.	тарғибот тадбирлари алоҳида график асосида	2017 йил февраль	А.Очилов, А.Акобиров
25.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги ПҚ–2761-сон “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг мазмун-моҳиятини аҳоли ва ижрочиларга етказиш мақсадида оммавий ахборот воситалари (телевидения, радио, газета, журнал ва б.) орқали чиқишлар қилиш.	тарғибот тадбирлари алоҳида график асосида	2017 йил февраль- март	А.Очилов, А.Акобиров

IV. Умумлаштириш, ахборот тақдим этиш ва қарор ижросини мониторинг қилишга доир тадбирлар

26.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, ижрочилар ва аҳолини қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамияти ҳақидаги ҳуқуқий ахборот билан таъминлашнинг сифатини ошириш, ушбу соҳадаги ишларни ташкил этишга доир масалалар хусусида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий ахборот киритиб бориш.	таҳлилий ахборот	ҳар ярим йилликда	А.Очилов, Ш.Рабиев
27.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенеси ва халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг аҳволи тўғрисидаги ахборотини тақдим этиш.	ҳисобот	ҳар йили январь	А.Очилов, ҳудудий адлия органлари раҳбарлари